

“InFinBANK” АЖнинг карта Токенларидан фойдаланиш қоидалари

Ушбу “InFinBANK” АЖнинг карта Токенларидан фойдаланиш қоидалари (кейинги ўринларда Қоидалар) Ўзбекистон Республикаси, 100029, Тошкент шаҳри, Т.Шевченко кўчаси, 1-уйда (кейинги ўринларда Банк) манзили бўйича жойлашган “InFinBANK” АЖ томонидан номаълум шахслар доирасига йўналтирилган оммавий оферта бўлиб, қуйида баён этилган тартибда уларга қўшилган пайтдан бошлаб Мижоз томонидан бажарилиши шарт бўлади.

Атамалар ва таърифлар

NFC (Near Field Communication)	қисқа масофада жойлашган қурилмалар ўртасида контактсиз маълумотлар алмашинувини амалга ошириш имконини бериб, қисқа радиусда (10 см гача), масалан, ушбу қоидаларда назарда тутилган тартибда ва шартларда Банк томонидан тақдим этиладиган ўқиш терминали ва мобил телефон ўртасида ишловчи симсиз юқори частотали алоқа технологияси.
Карта	“InFinBank” АЖнинг миллий ёки хорижий валютада чиқарилган VISA, Mastercard ва UnionPay тўлов тизимларига тегишли жисмоний ёки виртуал банк картаси.
Сақловчи	номига карта чиқарилган шахс.
Мобил қурилма	мобил (қўлма радиотелефон) алоқа ва/ёки “Интернет” ахборот-телекоммуникация тармоғи (кейинги ўринларда Интернет)га уланган, мижознинг шахсий фойдаланишида бўлган электрон қурилма (планшет, смартфон, мобиль телефон, смарт-соат ва ш.к.).
Мобил тўлов хизматлари (Тўлов хизматлари)	Токендан фойдаланиб транзакцияларни амалга ошириш учун Карта сақловчисининг мобил қурилмасидан фойдаланиш имконини берувчи сервис.
Контактсиз тўлов	NFC технологиясида ишлайдиган мобил қурилмани ушбу қурилма билан жисмонан боғламасдан ўқиш қурилмасига яқинлаштириш ёки тегизиш орқали карта Токенидан фойдаланиб тўловни амалга ошириш усули.
Токен	ўзи билан карта ва унинг реквизитлари тўғрисидаги маълумотларни ўрнини босувчи ноёб рақамли идентификатор. Токен карта сақловчисининг у орқали токенлаштирув амалга оширилган муайян қурилмасига уланади.
Токенлаштирув	унинг натижасида Токен яратиладиган жараён.
Шартнома	банк ва Мижоз ўртасида Банк карталарини чиқариш ва уларга хизмат кўрсатиш бўйича Банк офертасини имзолаш ёки қабул қилиш йўли билан илгари тузилган шартнома.
Карта реквизитлари	карта рақами, Картанинг амал қилиш муддати, Карта сақловчисининг исми ва фамилияси (агар мавжуд бўлса), Карта ҳақиқийлигини текшириш коди ППК2/CVC2/CVV2.

Карта Токенидан фойдаланиш қоидалари

1. Қуйидаги шартларга риоя қилинса ва қуйида келтирилган талаблар бажарилса, картани токенлаштириш имкони мавжуд:
 - мобил қурилмада NFC функциясининг мавжудлиги;

- фақат Мижоз номига Банк томонидан чиқарилган амалдаги (фаол, блокланмаган) тўлов карталари учун;
 - Мобил қурилмада Мобил тўлов хизматининг мавжудлиги;
 - Карта Сақловчиси томонидан мустақил равишда амалга оширилади;
 - Картадан фойдаланиш ва унга хизмат кўрсатиш шартларини ўзгартиришга олиб келмайди.
2. Карта Токенини яратиш тегишли Мобил тўлов хизмати тартиботларида кўзда тутилган бир қатор амалларни бажариш орқали юз беради.
 3. Битта карта учун бир вақтнинг ўзида турли хил мобил қурилмаларда фойдаланиладиган бир нечта Токенларни яратиш имкони бор. Битта мобил қурилмада яратилган Токенни бошқа қурилмада ишлатиш мумкин.
 4. Токендан контакtsiz тўлов функцияларига эга терминаллар билан жиҳозланган хизмат кўрсатиш пунктларида, шунингдек, Интернет тармоғида транзакцияларни амалга ошириш учун фойдаланиш мумкин. Ушбу хизмат кўрсатиш пунктларида Карта сақловчиси Мобил тўлов хизматида тегишли тўлов картасининг Токенини танлаши ва қурилмани терминалга яқинлаштириши керак (транзакциялар тўлов картасидан фойдаланган ҳолда контакtsiz тўловлар тарзида амалга оширилади). Токендан фойдаланган ҳолда Интернет тармоғида транзакцияларни амалга оширишнинг имкони бор, агар хизмат кўрсатиш пункти Токендан фойдаланган ҳолда тўловни қабул қилса, мазкур ҳолатда тўлов картаси реквизитларини қўлда киритиш талаб қилинмайди.
 5. Токендан фойдаланиб транзакцияларни амалга ошириш тўлов картаси ёки унинг реквизитларидан фойдаланиб транзакцияларни амалга ошириш билан барабардир.
 6. Токендан фойдаланган ҳолда амалга оширилган амалиётларга нисбатан шартноманинг барча шартлари ва талаблари қўлланилади.
 7. Токендан фойдаланиш хавфсизлиги Карта сақловчиси томонидан мустақил равишда таъминланади. Карта сақловчисига қуйидагилар тавсия этилади:
 - учинчи шахсларга тегишли Мобил қурилмаларда тўлов карталарини токенлаштиришни амалга оширмаслик;
 - мобил қурилмани учинчи шахсларга фойдаланиш учун бермаслик;
 - агар ундан фойдаланиш тўхтатилган бўлса, Токенни Мобил қурилмадан ўчириб ташлаш;
 - Мобил қурилма йўқотилган ёки ўғирланган тақдирда, шунингдек, унга ёки Токенга рухсатсиз кириш ҳолатларида банк бўлинмаларига мурожаат қилиш ёки Банкнинг алоқа марказига қўнғироқ қилиш орқали Токен ва/ёки тўлов картасини блоклаш зарурати тўғрисида дарҳол Банкни хабардор қилиш (Банк реквизитлари www.infinbank.com веб-сайтида кўрсатилган).
 8. Токенни блоклаш ёки уни Мобил тўлов хизматларидан ўчириб ташлаш Карта сақловчиси томонидан мустақил равишда амалга оширилади. Токенни блоклаш Токен яратилган картани блоклаш учун асос бўлмайди.
 9. Картани блоклаш Токенни блоклаш учун асос ҳисобланади ва Токен бекор қилинади.
 10. Токендан фойдаланиш қонунчиликни, халқаро тўлов тизимлари талабларини бузишга ёки ахборот хавфсизлигига таҳдид солишга олиб келиши мумкин, деб ҳисоблаш учун асослар мавжуд бўлган тақдирда, Банк Картани токенлаштиришни рад этишга ҳақли.
 11. Ахборот хавфсизлигини таъминлаш мақсадида Банк Токенни яратиш, ундан фойдаланиш, ўчириш ва блоклаш билан боғлиқ барча ҳаракатлар, шу жумладан IP-манзиллар, қурилмалар, транзакция вақтлари ва фойдаланилган хизматлар ҳисобини юритиш (қайд этиш)га ҳақли.

12. Карта сақловчиси Токен ва/ёки тўлов картаси блоклянишидан олдин Токендан фойдаланган ҳолда амалга оширилган барча транзакциялар учун тўлиқ жавобгар бўлади. Мобил курилма учинчи шахсларга берилган тақдирда, Сақловчи розилик бериш ҳолатидан қатъи назар, Токендан фойдаланган ҳолда амалга оширилган барча амалиётлар учун тўлиқ жавобгар бўлади. Банк Токендан фойдаланаётган шахснинг ваколатини текширишга мажбур эмас ва Мобил курилмадан тасдиқланган барча транзакцияларни ҳақиқий деб ҳисоблайди.
13. Карта сақловчиси Токендан фойдаланган ҳолда амалга оширилган барча транзакциялар учун Банк Токен хавфсизлигига дахл қилингани, Мобил курилманинг йўқолиши/ўғирланиши ёки унга рухсатсиз кириш тўғрисида лозим даражада хабардор қилинмагунча тўлиқ жавобгар бўлади. Хабарнома кечиктирилган тақдирда, Банк Токендан рухсатсиз фойдаланишдан келиб чиқадиган зарарлар учун жавобгар бўлмайди.
14. Банк учинчи шахсларнинг (мобил АО платформалари эгалари, алоқа операторлари ва бошқ.) ҳаракатлари/ҳаракатсизлиги ёки техник носозликлар, хакерлик ҳужумлари ёки форс-мажор ҳолатлари билан боғлиқ сабабларга кўра Токендан фойдаланиш имконияти йўқлиги учун жавобгар бўлмайди.
15. Банк карта Сақловчисига:
- мобил курилмани учинчи шахсларга бериш натижасида;
 - хавфсизлигига дахл қилинган ёки эскирган дастурий таъминотдан фойдаланиш натижасида;
 - Карта Сақловчиси томонидан ушбу Қоидалар шартлари бузилиши натижасида;
 - операцион тизимлар, маълумотларни узатиш тармоқлари, Мобил тўлов хизматларининг дастурий компонентлари ишидаги носозликлар натижасида юзага келган зарарлар учун жавобгар бўлмайди.
- Кўрсатиб ўтилган зарарлар банк томонидан қопланмайди.
16. Банк қуйидагиларга ҳақли:
- токенлаштириш ва/ёки токендан фойдаланишдан олдин хавфсизлик даражасини ошириш учун исталган вақтда Сақловчининг шахсини тасдиқлашга ва/ёки қўшимча (шу жумладан биометрик, кодли, кўп факторли) аутентификацияни сўрашга;
 - ўз хоҳишига кўра, Токендан фойдаланишда амалга оширса бўладиган, шу жумладан, лекин улар билан чекланмаган ҳолда: нақд пул ечиб олиш, пул ўтказмалари, халқаро тўловлар ва/ёки юқори таваккалчиликка асосланган транзакция каби амалиётлар доирасини чеклашга;
 - давлат органлари, ҳукукни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи органлар ёки халқаро тўлов тизимларининг талабига биноан айрим Карта сақловчига нисбатан Токендан фойдаланишни тўхтатиб туриш ёки тўхтатишга;
 - карта бўйича рухсат этилган лимитлардан ошиб кетганда, тарифларни четлаб ўтишга уринишлар аниқланганда ёки ушбу Карта билан боғлиқ банк маҳсулоти бўйича қарздорлик юзага келганда Токендан фойдаланишни тўхтатиб туришга;
 - исталган вақтда, ўз хоҳишига кўра, сабабини кўрсатмасдан ва Сақловчини олдиндан огоҳлантирмасдан, барча ёки айрим Токенлар ишини тўхтатиш, блокляш ёки тўхтатиб туришга;
 - янгиланган версияни банкнинг www.infinbank.com сайтига жойлаштириш орқали бир томонлама тартибда ушбу Қоидаларни ўзгартириш ёки тўлдиришга.
17. Токенни бекор қилиш ёки ишини тўхтатиб туриш тўғрисида Карта Сақловчисини хабардор қилиш Банкнинг ихтиёрига кўра мавжуд алоқа каналлари орқали амалга оширилиши мумкин, лекин унинг мажбурияти ҳисобланмайди.
18. Токендан фойдаланган ҳолда рухсат этилмаган амалиёт тўғрисида Карта сақловчисидан ариза келиб тушганда, Банк ички текширув ўтказишга ҳақли. Аризаларни кўриб чиқиш

муддати 30 календар кунгача. Кўриб чиқиш тугагунга қадар амалиётлар ҳақиқий деб ҳисобланади.

19. Карта сақловчиси Банк мобил тўлов хизматининг ишлаши ва Токендан фойдаланган ҳолда транзакцияларни амалга ошириш имконияти йўқлиги учун жавобгар бўлмаслигига рози.
20. Токендан Ўзбекистон Республикасидан ташқарида фойдаланиш Карта сақловчиси томонидан ўзи таваккал қилган ҳолда амалга оширилади. Банк Мобил тўлов хизматининг ишлаш қобилиятини ҳамда ташқи савдо-сервис корхоналари ёки алоқа операторлари инфратузилмаси билан мос келишини кафолатламайди.
21. Мобил тўлов хизмати ўчирилган, Мобил қурилма созламалари қайта ўрнатилган ёки у учинчи шахсга сотилган/совға қилинган тақдирда, Карта сақловчиси дастлаб қурилма билан боғлиқ барча Токенларни ўчириб ташлаши шарт. Ушбу мажбурият бузилган тақдирда, барча боғлиқ таваккалчиликлар Карта сақловчиси зиммасига юкланади.
22. Токенлаштириш ва Токендан фойдаланишда Карта сақловчисининг шахсий маълумотлари, шу жумладан транзакциялар тўғрисидаги маълумотлар, қурилма модели ва серия рақами, геолокация ва биометрик маълумотлар (агар биометрик аутентификация ишлатилса) қайта ишланиши мумкин. Карта сақловчиси Шартномани бажариш, хавфсизликни ошириш ва фирибгарликнинг олдини олиш мақсадида бундай ишлов беришга розилик беради.
23. Токендан фойдаланган ҳолда амалга оширилган баҳсли амалиётлар бўйича маблағни қайтариш картага хизмат кўрсатиш шартномасида ва амалдаги қонунчиликда назарда тутилган тартибда амалга оширилади. Токеннинг мавжудлиги Карта сақловчисининг маблағни қайтариш ҳукуқини кенгайтирмайди.
24. Банк қуйидаги ҳолларда Токенни бекор қилиши мумкин:
 - картанинг амал қилиши тугатилганда,
 - фирибгарликда гумон қилинганда,
 - суд томонидан тақиқ қўйилганда,
 - ушбу Қоидалар бузилганда,
 - давлат органларининг сўровига кўра.
25. Банк картасига хизмат кўрсатиш шартномаси бекор қилинган тақдирда, аввал яратилган барча Токенлар бекор қилинади. Токенлар бекор қилинган санадан кейин улардан фойдаланиш ноқонуний ҳисобланади ва қурилмани блоклашга ва/ёки ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига мурожаат қилишга олиб келиши мумкин.
26. Карта Сақловчисининг картани токенлаштириш бўйича ҳаракатларни бажариши унинг ушбу Қоидалар билан танишганлигини ва розилигини билдиради.
27. Қоидаларнинг янгиланган таҳрири Банкнинг расмий сайтида эълон қилинган пайтдан эътиборан Карта сақловчиси эътиборига ҳавола қилинган ҳисобланади ва унда кўрсатилган пайтдан бошлаб кучга киради. Ўзгартишлар кучга киргандан кейин Токендан фойдаланишни давом эттириш Сақловчининг бундай ўзгартишларга розилиги ҳисобланади.
28. Ҳар бир янги Токеннинг яратилиши Банкнинг расмий сайтида жойлаштирилган ушбу Қоидаларнинг жорий таҳририга Карта сақловчисининг розилигини англатади.